



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директори

Қ.С. Санакулов

“23” *январ* 2025 йил

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2024 йил 21 октябрдаги 700-сонли буйруғига асосан ўтказилган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш, келгусида олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш
ДАСТУРИ**

№	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
1.	“НКМК” АЖ номидан даъво талабидан қисман ёки бутунлай воз кечиш, даъво миқдорини камайтириш, келишув битимини имзолашда яқка тартибда қарор қабул қилиш жараёнидаги содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (1.4.3.)	<p>Бош юрисконсулт томонидан “НКМК” АЖ номидан даъво талабидан қисман ёки бутунлай воз кечиш, даъво миқдорини камайтириш, келишув битимини имзолашни коллегиял кўриб чиқилгандан сўнг имзолаш тартибини жорий этиш бўйича ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.</p> <p>Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 апрель</p> <p>2025 йил 1 май</p>	<p>Бош юрисконсулт (Хаитова)</p> <p>Комплаенс хизмати (Авезов)</p>
2.	Таркибий бўлимлари томонидан тақдим этилаётган намуналар устида олиб борилган таҳлиллар ва тадқиқотларнинг таннарх (калкуляцияси) харажатларини ҳисоблаш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (22.11.3.)	“НКМК” АЖ таркибий бўлимлари томонидан тақдим этилаётган намуналар устида олиб борилган таҳлиллар ва тадқиқотларнинг амалга ошириш механизми (буюртманомадан бошлаб якуний ҳисоб-китобларни тўловга қаратишга қадар бўлган босқич) ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича таннарх (калкуляцияси) харажатларини ҳисоблаш тизимини автоматлаштириш.	<p>2025 йил 1 март (Техник шарт ишлаб чиқиши)</p> <p>2025 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиши)</p> <p>2025 йил 1 июль (Дастурни яратиб, синовдан ўтказиш)</p> <p>2025 йил 1 сентябрь (Дастурни амалиётга жорий қилиш)</p>	<p>МИТЛ бошлиғи (Ашуров)</p> <p>АКТ Бошқармаси (Давлатов)</p>

KIRISH № 01-01-01/09/07

2025 у. «24» 01.

3.	<p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларининг кадрларни очик танлов асосида ишга қабул қилиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган хавф-хатарларни камайтириш. (31.4.3)</p>	<p>Ишга кириш билан боғлиқ тест саволлари ҳамда бошқа танлов материалларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ҳужжат ишлаб чиқиш ҳамда танловнинг барча босқичлари бўйича аниқ назоратни ўрнатиш.</p> <p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари Кадрлар соҳасида ишлаётган барча ходимларни “Коррупцияга қарши (Compliance)” электрон курси ҳамда Виртуал академияда махсус ўқитиш.</p>	<p>2025 йил 1 май</p> <p>2025 йил 1 июнь</p>	<p>Кадрлар бошқармаси (Хошимов)</p> <p>Комплаенс хизмати (Авезов)</p>
4.	<p>Истиқболли лойиҳаларни излаш ва баҳолаш бўлими фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (10.1.3.)</p>	<p>Жамиятнинг Тс 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Истиқболли лойиҳаларни излаш ва баҳолаш бўлими тўғрисидаги Низом ва Тс 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бўлим ходимларининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 июнь</p> <p>2025 йил 1 июль</p>	<p>Ресурслар бўйича директор (Егорова)</p> <p>Истиқболли лойиҳаларни излаш ва баҳолаш (Дустмуратов)</p> <p>Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)</p>
5.	<p>Транспорт бошқармаси фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (14.1.3., 14.3.3., 14.17.3., 14.22.3., 14.23.3., 14.28.3.)</p>	<p>Жамиятнинг Тс 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Транспорт бошқармаси ва унинг таркибий бўлинмалари Низоми ва Тс 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларни лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бўлим ходимининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 май</p> <p>2025 йил 1 июнь</p>	<p>Транспорт бўйича директор (Эргашев)</p> <p>Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)</p>

6.	<p>Диспетчерлик гуруҳи фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (15.11.3)</p>	<p>“НКМК” АЖнинг 2022 йил 7 февралдаги 80-сонли буйруғини сўзсиз ижро этиш, ишлаб чиқариш жараёнини (авариялар, носозликлар, нохуш ва бахтсиз ҳодисалар, ёнғин ва йўл-транспорт ҳодисалар, табиий офатлар ва бошқалар) мунтазам тезкор назоратини олиб бориш ва Жамият раҳбариятини ўз вақтида ишончли тезкор маълумотлар билан таъминлаш мақсадида “НКМК” АЖ Диспетчерлик гуруҳи ҳамда жойлардаги Диспетчерлик бўлим (хизмат)ларининг Низомларига ўзгартириш киритиш юзасидан ички идоравий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 май</p> <p>2025 йил 1 июнь</p>	<p>Ишлаб чиқариш бўйича директор (Исуни) Диспетчерлик гуруҳи (Авизов)</p>
7.	<p>Инвесторлар томонидан синов тариқасида янги технологияларни тўғридан-тўғри, бир йил муддатга синаб кўриш шarti киритиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (21.1.3)</p>	<p>Геомеханика бўлими томонидан геомеханик хавфсизликни таъминлаш, геомеханик хавфларни бошқариш ҳамда стратегияларни ишлаб чиқишда инвесторлар томонидан синов тариқасида тақдим этилган технологияларни синовдан ўтказишда бир қатор муҳим вазифаларни ўз ичига олади.</p> <p>Бу хавфлар олдини олиш ва жамиятнинг хавф хатарга қўймаслик мақсадида синов ўтказиш жараёнида янги технологияларнинг самарадорлигини кузатиш учун барқарор мониторинг тизимини ташкил қилиш.</p> <p>Бу жараён натижалари орқали хулоса чиқариш ва келгусидаги тўғри қарорларни қабул қилишда алоҳида тартиб ишлаб чиқиш ва унга асосан хавфларни камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳитга таъсирни минималлаштириш, самарали ва ишончли жараёнларни таъминлаш юзасидан ички идоравий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 май</p> <p>2025 йил 1 июнь</p>	<p>Геомеханика бўлими (Бобаев)</p> <p>ХТЭ ва МТ бош бошқармаси бошлиғи (Амонов)</p> <p>Бош механик (Рахматов)</p> <p>Инвестиция бошқармаси (Рўзиев)</p> <p>Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи жараёнларни самарадорлигини ошириш бўлими (Настенко)</p>

8.	<p>Ахборот-коммуникация тизимлари ва технологияларини ишлатиш, фойдаланиш ва кузатиш учун барча ички хизматлар учун нархларни белгилаш (калькуляция) жараёнида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (25.1.3)</p>	<p>Ахборот-коммуникация тизим ва технологиялардан фойдаланиш, кузатиш учун нархларни белгилаш (калькуляция) ҳамда уларни келишиш тартибини <i>(Регламент)</i> ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 июнь</p> <p>2025 йил 1 июль</p>	<p>АКТ Бошқармаси (Давлатов)</p>
9.	<p>Молия бошқармаси фаолиятида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (27.1.3)</p>	<p>Жамиятнинг Тс 30745022-422:2022 “Таркибий бўлинмалар ҳақида низомларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш қоидалари”га мувофиқ Молия бошқармаси тўғрисида Низом ва Тс 30745022-421:2022 стандарти “Раҳбар, мутахассис ва хизматчиларнинг лавозим йўриқномаларини тузиш ва ўзгартириш қоидалари”га мувофиқ бошқарма ходимларининг лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатларни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 апрель</p> <p>2025 йил 1 май</p>	<p>Молия бошқармаси (Фадеев) Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими (Турсунов)</p>
10.	<p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқаришда фойдаланилган маҳсулотларни (ишлатилган мой, тара ва бошқалар) сотиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш (27.19.3)</p>	<p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқаришда фойдаланилган маҳсулотларни (ишлатилган мой, тара ва бошқалар) сотиш жараёнини тартибга солувчи ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2025 йил 1 апрель</p> <p>2025 йил 1 май</p>	<p>Сотиш бўлими (Бекназаров) Харидларнинг режалаштирилишини бошқариш ва захираларни бошқариш бўлими (Хасанов)</p>

11.	<p>Харид жараёнида номенклатура яратиш ёки амалда ишлатилаётган номенклатурага ўзгартириш киритиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш.</p> <p>Товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш. (36.4.3)</p>	<p>Номенклатура яратиш ёки амалда ишлатилаётган номенклатурага ўзгартириш киритиш жараёнини Харидлар тизимида шакллантириш ва келишишни автоматик тарзда амалга ошириш бўйича қўшимча модул ишлаб чиқиш.</p> <p>Марказий моддий-техник базаси ва таркибий бўлинмалар омборхоналаридан товар-моддий бойликни ҳисобга олиш ва чиқариш бўйича Харидлар тизимида қўшимча модул ишлаб чиқиш.</p>	<p>2025 йил 1 март (Техник шарт ишлаб чиқиши)</p> <p>2025 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиши)</p> <p>2025 йил 1 июль (Дастурни яратиш, синондан ўтказиш)</p> <p>2025 йил 1 сентябрь (Дастурни амалиётга жорий қилиши)</p>	<p>ХТЭ ва МТ бош бошқармаси (Амонов) МЭР ва ЗБ бошқармаси (Данилина)</p> <p>АКТ Бошқармаси (Давлатов)</p>
12.	<p>“НКМК Жамғармаси” Давлат муассасаси тасарруфидаги хизмат уйлари ажратиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш. (46.19.3)</p>	<p>“НКМК” АЖ бўлинмаларида ишчи-ходимларни хизмат хоналарига жойлаштириш рўйхати юритилиши шаффофлигини таъминловчи ички идоравий ҳужжат ишлаб чиқиш.</p> <p>Хизмат уйи ажратиш жараёнини рақамлаштириш орқали барча босқичларни электрон платформада амалга ошириш, бунда Электрон тизимлар орқали ажратиш жараёнининг барча босқичларини (шу жумладан навбатни) реал вақт режимида кузатиб бориш имкониятини яратиш ва мазкур дастурни амалиётга жорий қилиш.</p>	<p>2025 йил 1 март (Техник шарт ишлаб чиқиши)</p> <p>2025 йил 1 апрель (Тармоқ харитасини ишлаб чиқиши)</p> <p>2025 йил 1 июль (Дастурни яратиш, синондан ўтказиш)</p> <p>2025 йил 1 сентябрь (Дастурни амалиётга жорий қилиши)</p>	<p>Корпоратив ижтимоий масъулиятлар бўлими (Саидов)</p> <p>АКТ Бошқармаси (Давлатов)</p>

13.	Комплаенс хизмати тўғрисидаги Низомда келтирилган функция ва вазифаларни қайта кўриб чиқиш, аниқланган номувофикликларни бартараф этиш. (58.6.3, 58.8.3)	<p>Автоматлаштирилган технологиялар жорий этилиши ва назорати бўйича ходим Комплаенс хизматининг янгиланган тузилмасидан чиқариб ташланганлиги боис Жамиятнинг бизнес ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ҳамда харажатларни, шу жумладан иш ҳақи харажатларини камайтириш чораларини кўриш функцияларини Хизмат тўғрисидаги Низомдан чиқариш юзасидан ички идоравий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Мазкур ҳужжатни тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш учун Жамият Кузатув кенгашига тақдим этиш.</p>	<p>2025 йил 1 май</p> <p>2025 йил 1 июль</p>	<p>Комплаенс хизмати (Авезов)</p> <p>Корпоратив котибият мудир – Корпоратив маслаҳатчи (Муртазаев)</p>
14.	Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бошқариш тизимини автоматлаштириш. (58.12.3)	<p>Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш мақсадида маълумотлар йиғиш, тўлдириш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёни ҳар йили Жамият бошқарув ходимлари томонидан тўлдириладиган декларациялар ва бошқа манбалардан олинган маълумотларни хизмат ходимлари томонидан таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур жараёнда инсон омилини камайтириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида ушбу жараённи сунъий интеллектни ёрдамида автоматлаштириш.</p>	<p>2025 йил 1 май <i>(Техник шарт ишлаб чиқиш)</i></p> <p>2025 йил 1 июнь <i>(Тармоқ харитасини ишлаб чиқиш)</i></p> <p>2025 йил 1 июль <i>(Дастурни яратиб, синондан ўтказиш)</i></p> <p>2025 йил 1 октябрь <i>(Дастурни амалиётга жорий қилиш)</i></p>	<p>Комплаенс хизмати (Авезов)</p> <p>АКТ Бошқармаси (Давлатов)</p>

Изоҳ. Масъул ижрочилар бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг ўрнига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар мазкур чора-тадбирларни бажаради.

			
			
			
			
			